

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ЎРТА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА
ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ
ИХТИСОСЛАШТИРИШ
МАРКАЗИ**

Рўйхатга олинди:

№- 1
2024 йил “16.04”

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
марказий аппарати йиғилишининг
2024 йил “11” январдаги
№ 5 баёни

Билимлар соҳаси: Соғлиқни сақлаш

“IT-оператор ҳамшира”
малака ошириш курси
ЎҚУВ ДАСТУРИ
(ўқиш ҳажми 144 кредит)

Тошкент 2024й

ТУЗУВЧИЛАР:

Л.Х.Мусаджанова

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директори, профессор, т.ф.д.

И.Б.Зупаров

ТТА Биотиббиёт муҳандислиги, информатика ва биофизика кафедраси катта ўқитувчиси

У.Б.Эргашева

РЎТФХМО ва ИМ ўқитувчиси

Д.А.Хасанов

РЎТФХМО ва ИМ ўқитувчиси

Ж.Э.Алимов

РЎТФХМО ва ИМ ўқитувчиси

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Б.Ю.Абдукадирова

ТТА Биотиббиёт муҳандислиги, информатика ва биофизика кафедраси таянч докторанти

Н.З.Азимова

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Ўқув дастури Республика ўрта тиббиёт фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Педагогик кенгашида кўриб чиқилди.

“29” 03 2024 йил

баённома № 2



Педагогик кенгаш раиси

Л.Х.Мусаджанова

Ўқув дастури директорлар кенгашида кўриб чиқилди, муҳокама қилинди, тасдиқлашга тавсия этилди.

“16” 04 2024 йил

баённома № 1

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ЎРТА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА
ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ
ИХТИСОСЛАШТИРИШ
МАРКАЗИ**

Рўйхатга олинди:

№-
2024 йил “ _____ ”

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
марказий аппарати йиғилишининг
2024 йил “11” январдаги
№ 5 баёни

Билимлар соҳаси: Соғлиқни сақлаш

“IT-оператор хамшира”

малака ошириш курси

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(ўқиш ҳажми 144 кредит)

Тошкент 2024й

ТУЗУВЧИЛАР:

Л.Х.Мусаджанова

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директори. профессор, т.ф.д.

И.Б.Зупаров

ТТА Биотиббиёт муҳандислиги, информатика ва биофизика кафедраси катта ўқитувчиси

У.Б.Эргашева

РЎТФХМО ва ИМ ўқитувчиси

Д.А.Хасанов

РЎТФХМО ва ИМ ўқитувчиси

Ж.Э.Алимов

РЎТФХМО ва ИМ ўқитувчиси

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Б.Ю.Абдукадинова

ТТА Биотиббиёт муҳандислиги, информатика ва биофизика кафедраси таянч докторанти

Н.З.Азимова

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Ўқув дастури Республика ўрта тиббиёт фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Педагогик кенгашида кўриб чиқилди.

“ ” _____ 2024 йил

баённома № _____

Педагогик кенгаш раиси

Л.Х.Мусаджанова

Ўқув дастури директорлар кенгашида кўриб чиқилди, муҳокама қилинди, тасдиқлашга тавсия этилди.

“ ” _____ 2024 йил

баённома № _____

1. Кириш

Ўзбекистон Республикасида ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, тиббиёт муассасаларида ҳамширалик ишини халқаро андозаларга мос тарзда ташкил этиш борасида замонавий тизим яратилган. Мазкур ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 160-сонли “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш буйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисидаги” буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июль 1/2992- сон кўрсатма хати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 декабрдаги ПҚ-415-сон “Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришни жадаллаштириш, ҳамда илғор рақамли технологияларни жорий этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарат йиғилишининг 2024 йил 11 январь “Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ҳолати ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилган рақамли технологияларни жорий этиш стратегиясининг муҳокамаси тўғрисида” 5-сонли баёни ижросини таъминлаш доирасида яратилган.

Дастурда ўқув фаннинг мазмуни, уни ўзлаштириш шакли ва усуллари мужассамлаштирилган. Дастур мазмунида назарий билимларни амалий кўникмалар орқали мустаҳкамлаш ва чуқур билимларни эгаллаш алоҳида эътиборга олинган. “IT-оператор ҳамшира” ўқув дастури йўналишининг ўқув режаси асосида тайёрланган бўлиб, ҳамшираларни 144 кредит малака оширишлари учун мўлжалланган. Дастур фанлар блокларига ажратилган бўлиб: касбий ривожлантириш модули маънавий ва сиёсий дунёқарашларини кенгайтиришга қаратилган янгиликлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохатлар, тиббиёт соҳасининг илм – фани ва амалиётининг ривожланиши тенденциялари ва ютуқлари, янги техника ва технологиялари тўғрисида маълумотлар киритилиб, тиббий таълимда узлуксизлиги ва узвийлигини, фанлар ва бўлимларни кетма-кетлигини таъминланган ҳолда тингловчиларни мустақил ишлашга ва фикрлашга қаратилган ўқув материалларини қамраб олган. Дастурда Бирламчи тиббий-санитария тизимида ва даволаш профилактика муассасаларида фаолият юритаётган ҳамшираларни малакавий тавсифномаси ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ, лозим бўлган янги билим ва кўникмаларни (билиши мумкин, билиши лозим, бажара олиши керак ва қайси амалий кўникмаларни ўзлаштириши лозим) етарли даражада ўзлаштиришга қаратилган материаллар тақдим этилган.

1.1. Мақсад:

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида фаолият юритувчи IT-оператор ҳамшираларини билимларини замонавий, инновацион, исботланган тиббиёт тамойилларига асосланган халқаро илмий-амалий маълумотлар билан уларнинг малакавий характеристикасига мос ҳолда ошириш.

Ўқиш натижасида IT-оператор ҳамшираларининг мавжуд компетенцияларини такомиллаштириш ва касбий фаолият учун зарур янги билим ва кўникмаларни эгаллаш.

1.2. Вазифалар:

- Умумий малака ошириш ўқув жараёнини модулли тиббий таълим тамойили бўйича, замонавий, исботланган тиббиётга асосланган халқаро илмий-амалий маълумотларни давлат талабларига мос ҳолда тузилган ўқув дастури бўйича тизимли ташкиллаштириш ва тиббий даволаш муассасаларида кўрсатиладиган профилактик, ташхислаш ва даволаш учун керакли амалий кўникмаларни мустақил қўллашга тайёргарликни шакллантириш.
- соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ва меъерий ҳужжатларни иш фаолиятида қўллай олишга ўргатиш;
- этика ва деонтологиянинг замонавий жиҳатлари билан таништириш;
- замонавий клиник протоколлар ва стандартлар билан таништириб, улар асосида ишлаш кўникмаларини янгилаш ва мукамаллаштириш;
- ахборот тизимларда маълумотларни ўз вақтида киритилишини мониторинг қилиш
- компьютерлар ва периферик қурилмаларга дастурий таъминотни ўрнатиш.
- интернет ва локал тармоқ иш фаолиятини назорат қилиш,юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича чораларни кўриш.
- аҳоли саломатлигини ўрганиш ва баҳолаш,статистик тадқиқотларни олиб бориш;
- даволаш профилактика муассаларининг умумий тавсифномаси ва фаолиятлари тўғрисида конъюктор ҳисобот тузишдаги кўникмаларини янгилаш;
- амбулатор поликлиника ва даволаш профилактика хизмати муассасаларининг асосий кўрсаткичлари борасидаги билимларини янгилаш;
- дастурлар, ҳисоботлар ва жадваллар ташкил этилганлигининг параметрик ва стандартлаш усуллари ҳақида билим ва кўникмаларини янгилаш;
- аҳолининг ҳар хил гуруҳлари орасида касалланиш, ўлим ва аҳоли саломатлигининг бошқа кўрсаткичлари, ҳамда аҳоли турмуш тарзи ҳақида тўғри маълумот йиғиш,олинган натижаларнинг ишончлилигини аниқлаш.
- жорий этилган ахборот тизимлари бўйича малакасини ошириш мақсадида семинарларда (шунингдек,масофавий онлайн семинарларда)қатнашиш.

1.3. Таълим олувчилар тоифаси (контингенти):

Ўқув дастури бўйича даволаш профилактика муассасаларидаги тиббий статистика ҳамшираларининг малакавий тавсифномаси ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ, яъни мутахассислигини *тасдиқловчи ҳужжат*ни бўлган ҳамширалар учун мўлжалланган.

1.4.Ўқув дастурни ўзлаштира олиш учун зарур бўлган тингловчи компетенцияси:

- тиббий этика ва деонтологияни амалда қўллай олиш, тиббиёт психологияси ва шахслараро мулоқот кўникмаларини амалга ошириш;

- аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамни ташкил этишдаги ҳужжатларни ўрганиш;
- аҳолининг ҳар хил гуруҳлари орасида касалланиш, ўлим ва аҳоли саломатлигининг бошқа кўрсаткичлари, ҳамда аҳоли турмуш тарзи ҳақида тўғри маълумот йиғишни билиши лозим;
- даволаш профилактика муассалари ва оилавий поликлиникаларга тегишли директив ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш.
- ўз ваколатига киритилган масалалар бўйича қонун ва норматив ҳужжатларни ижросини таъминлаш, талабларга қатъий риоя қилиш, давлат, тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик;
- мутахассислиги бўйича чуқур ва янгиланган тўлиқ назарий ва амалий билимларга эга бўлиш, доимий равишда ўз устида ишлаш;
- ҳаётга тадбиқ этилаётган замонавий технологияларни қўллаш бўйича малакасини ошириб бориш.

1.5. Дастурнинг долзарблиги:

Дастурининг долзарблиги амалиётга асосланган ва муаммоларга йўналтирилган ёндошув асосида амалий тиббий ёрдамнинг замонавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўқув материаллари ва жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимининг ва мутахассисликнинг ўзига хос касбий эҳтиёжларига қаратилган. **IT-оператор хамшираларини** малакасини ошириш аҳолига ҳозирги давр талабларига мос равишда замонавий, малакали сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Ишчи дастур асосий ва энг янги адабиётлардан, чет эл олимларининг таржима қилинган адабиётларидан, миллий ва жаҳон стандартлари асосида тузилган меъёрий ҳужжатлардан, шу билан бир қаторда, талаб доирасидаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилди.

1.6. Дастур ҳажми: 144 кредит (қунига 6 кредит ҳафтада, 36 кредит).

1.7. Ўқиш шакли:

- кундузги - ўқиш ишдан ажралган ҳолда
- on/offline, масофавий - анъанавий ўқиш ишдан ажралган/ ажралмаган ҳолда

1.8. Машғулотларни ўтиш тартиби:

Машғулотлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш тўғрисидаги” 160-сон буйруғи ва марказнинг ички тартиб-қоидалари асосида режалаштирилади ва амалга оширилади.

Машғулотлар 9⁰⁰ да бошланиб, 13⁴⁰ да тамом бўлади. Тушлик - 30 дақиқа.

1.9. Малака оширишдан сўнг: ўқув курсни тўлиқ ўзлаштирган ва якуний аттестацияни топширган тингловчиларга “**IT-оператор хамшира**” бўйича умумий малака оширганлиги ҳақида Давлат талаблари намунасидаги сертификат тақдим этилади.

2. РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИ

2.1. Режалаштирилаётган таълим (натижалари)дан сўнг тингловчи компетенцияси:

- мутахассиснинг фикрлаш, таҳлил ва синтез қилиш, жамоа билан ишлаш ва уни бошқариш, интизомлилик, бошлаган ишини мантиқий якунига етказишга тайёрлигини ривожлантиради;
- ҳамкасблар, ҳамширалар ва кичик тиббий ходимлар, беморлар ва қариндошлар билан мулоқотда тиббий фаолиятнинг ахлоқий ва деонтологик жиҳатларини амалга оширишга тайёрлиги ва амалга ошириш қобилияти такомиллашади;
- ўз-ўзини баҳолаш, танқидий таҳлил қилиш ва тўғри қарорларни қабул қилиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда инновацион технологияларни кенг тадбиқ этиш;
- тиббиёт соҳасидаги янгиликлар, замонавий компьютер технологиялари орқали статистик татқиқотларни ўтказиш, саломатлигини қайта тиклаш ва янада мустаҳкамлаш ҳақида янги маълумотларни бериш.
- аҳолининг ҳар хил гуруҳлари орасида касалланиш, ўлим ва аҳоли саломатлигининг бошқа кўрсаткичлари, ҳамда аҳоли турмуш тарзи ҳақида тўғри маълумот йиғиш.
- аҳоли саломатлигини ва баҳолаш усулларини ўрганиш;
- аҳолининг сони, таркиби, табиий ҳаракати (туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш), жисмоний ривожланиши ва аҳоли орасида ҳар хил касалликларни тарқалганлиги ва уларнинг кечиши,
- аҳолининг айрим гуруҳлари орасида уларнинг турмуш тарзи, ташқи муҳит, ижтимоий-иқтисодий, тарихий шарт-шароитлар билан боғлаб ўрганиш ва ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш ҳақида аниқ илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш.
- санитария-эпидемиология ва даволаш-профилактика муассасаларининг ишини тўғри ташкил этиш учун уларнинг фаолиятини, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасини ўрганиш;
- тиббиёт муассасаларининг тури, сони, уларда ишловчи ходимларнинг сони, шифохоналардаги ўринлар сони ҳақида маълумотлар йиғиш ва уларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш;
- даволаш профилактика муассасаларининг умумий тавсифномаси ва фаолиятлари тўғрисида конъюктор ҳисобот тузиш;
- дастурлар, ҳисоботлар ва жадваллар ташкил этилганлигининг параметрик ва стандартлаш усулларини ўргатиш.
- аҳолининг ҳар хил гуруҳлари орасида касалланиш, ўлим ва аҳоли саломатлигининг бошқа кўрсаткичлари, ҳамда аҳоли турмуш тарзи ҳақида тўғри маълумот йиғиш, олинган натижаларнинг ишончлилигини аниқлаш.
- ахборот тизимларда маълумотларни ўз вақтида киритилишини мониторинг қилиш

3.0.ДАСТУР МАЗМУНИ.

3.1. ” Тиббий статистика ва замонавий компьютер технологиялари” малака ошириш курси ўқув режаси

№	Модуль ва мавзулар номи	Кредит	Аудитория машғулоти		Семинар	Аттестация
			Назарий машғулоти	Амалий машғулоти		
1.0	Касбий ривожлантириш модули	26	16	10		
1.1	Модуль:Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсати	4	4	-		
1.2	Модуль:Санитария эпидемиологик тартиб меъёрлари ва инфекция нозорат	6	4	2		
1.3	Модуль:Ҳамширанинг шахслараро коммуникатив муносабатлари	6	4	2		
1.4	Модуль:Соғлом турмуш асослари, тўғри овқатланиш мезонлари ва жисмоний фаоллик	10	4	6		
2.0	Мутахассислик фанлар модули	110	42	68		
2.1	Модуль:Аҳоли саломатлигини ўрганиш ва баҳолаш усуллари. Тиббий статистик тадқиқотларни олиб бориш.	18	8	10		
2.2	Модуль:Амбулатор поликлиника хизмати ва даволаш профилактика муассаларининг асосий кўрсаткичлари.	18	10	8		
3.0	Модуль. Тиббиётда замонавий ахборот коммуникацион технологиялари	74	24	50		
3.1	Модуль: Ахборот технологияларнинг назарий асослари. Компьютер техникаси.	12	4	8		
3.2	Модуль: Тиббиёт ходими вазифаларини автоматлаштиришда ахборот технологияларининг ўрни.	42	14	28		
3.3	Модуль: Интернет ва ахборот технологиялари.	20	6	14		
4.0	Танлов фанлар модули	4			4	
5.0	Аттестация	4				4
	Жами:	144	62	74	4	4

**“IT-оператор ҳамшира” малака ошириш йўналиши ўқув модулларининг
мазмуни**

**1.1.Модуль. Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт соҳасидаги давлат
сиёсати**

Ўқув модулига ажратилган кредит:	4 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар.</p> <p>2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясининг мақсади ва вазифалари. Оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар.</p> <p>Давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун, моҳияти. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модули ва давлат тиббий суғуртаси механизмнинг ҳуқуқий асослари. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини; • Республикадаги миллий дастурларнинг асосий йўналишларини; • сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий айниқса, тиббиётга тегишли бўлган Президент фармонларини; • 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясининг мақсад ва вазифаларини; • давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни; • Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича вазифаларини; • Давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини

	<p>ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятини.</p>
<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • тиббиётга тегишли бўлган Президент фармонларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича йўл хариталари тузиш; • жамоада виждонан ўз вазифаларини бажариш масъулиятини ҳис этиш масъулиятига эга бўлиш; • ССВнинг қарорлари ва буйруқларини жойларда бажарилишини таъминлаш; • Миллий қадриятларимизни келажак авлодга етказишни таъминлаш.
<p>Адабиётлар:</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент 2016 й. 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7-декабрдаги 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги фармони. 4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 12-ноябрдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора – тадбирлари туғрисидаги фармони. 5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 12-ноябрдаги Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора- тадбирлари тўғрисидаги қарори. 6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш туғрисида”ги қонуни. 2017 йил 3-январь.</p>

Электрон таълим ресурслари	-www.minzdrav.uz– www.gov.uz – www.press-service.uz– www.parlament.gov.uz– www.uza.uz – www.cbu.uz- www.lex.uz- -www.ziyonet.uz-
-----------------------------------	---

1.2. Модуль. Санитария эпидемиологик тартиб меъёрлари ва инфекцион назорат

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Даволаш профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекциясини олдини олиш борасида қабул қилинган норматив ҳужжатлар. Шифохона ичи инфекциясини олдини олишда ҳамшираларнинг вазифалари. Тиббий муолажалар орқали юқадиган касалликларни олдини олиш. Юқумли касалликлар (ўта хавфли ва карантин инфекциялар, ОИТС)ни тарқалишини олдини олиш. ОИВ/ОИТСга оид норматив ҳужжатлар. ОИВ этиология ва патогенези, эпидемиологияси. ОИВ/ОИТС инфекцияси. Касалликлардан (COVID -19) ҳимояланиш тамойиллари. Ҳимоя кийимлари ва улардан фойдаланиш тартиби.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини (СанҚваН); • даволаш-профилактика муассасаларига қўйиладиган санитар талабларни ва “инфекцион назорат комиссияси” иш фаолиятини; • санитар меъёр ва қоидалар бўйича амалдаги ҳужжатларни; • ОИВ/ОИТСга оид норматив ҳужжатларни; • ОИВ этиология ва патогенези, эпидемиологиясини; • ОИВ юқиш йўллари, текшириш усуллари, клиникаси ва беморлар парваришини; • касалликлардан (COVID -19) ҳимояланиш тамойилларини.

<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • шифохона ичи инфекциясини олдини олишда СанҚваМларга риоя қилишни; • муолажалар вақтида авария ҳолатлари юзага келишини олдини олишни; • авария ҳолатлари юзага келганда ўтказиладиган чора- чадбирлар йиғиндисини; • ўта хавфли ва карантин инфекцияларда эпидемияга қарши ўтказиладиган чора-тадбирларни; • ҳимоя кийимлари ва улардан фойдаланиш тартибини.
<p>Адабиётлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. СанҚваМ № 0342/17 - 10 январ 2017 й. 2. “Международные медико-санитарные правила (2005) второе издание ВОЗ 3.“Эбола иситмаси”. Ҳ.Б.Сапаров. Б.Ў.Ровшанов. Тошкент -2014 й. 4.“Инфекционные болезни с курсом ВИЧ инфекции и эпидемиологии” А.К. Белоусова. В.Н.Дунайцева. Феникс – 2007 й. 5.“ВИЧ – инфекция”. Под редакцией АН РУз Даминова.Т.АТашкент-2010 г. 6.COVID-19 бўйича миллий қўлланма ЖССТ. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги. 2020 йил 26 март. <p>Электрон таълим ресурслари</p> <p>http://www.edu.uz http://www.pedagog.uz www.tma.uz, www.lex.uz https://ru.pinterest.com/vkhamidov/</p>	

1.3. Модуль. Ҳамширанинг шахслараро коммуникатив муносабатлари

Ўқув модулига ажратилган кредит:	6 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Жамият ва беморнинг саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ҳар қандай шароитда ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш. Беморга диққат эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш ва ўзининг барча хатти-ҳаракатларида юксак инсоний қоидаларга риоя қилиш. Жамоада, индивидуал ва турли гуруҳларда шахслараро мулоқот маданияти. Касбнинг олийжаноб анъаналарини сақлаш. Ички маданият қоидалари, интизомга риоя қилиш. Жамоат мулки тушунчаси ва унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Ҳамжихатлик ва</p>

	коллегиаллик туйғуларига риоя қилиш.
Ўқув модули яқунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Инсонийлик тамойилларига, касбий стандартларга ва тиббиёт илмининг замонавий талабларига жавоб берадиган сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш тамойилларини; • клиник амалиётда далилларга асосланган парвариш тамойилларини; • тиббиёт ходимининг асосий ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини; • беморнинг эҳтиёжларига нисбатан сабрли ва хушмуомалали бўлиши, бемор билан ўзаро сокин ва ишончли муносабат ўрнатишни; • беморга диққат эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш ва ўзининг барча хатти-ҳаракатларида юксак инсоний қоидаларга риоя қилишни; • жамоада, индивидуал ва турли гуруҳларда шахслараро мулоқот маданиятини; • ички маданият қоидалари, интизомга риоя қилишни.
Ўқув модули яқунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳамшира субординацияга риоя қилишни; • беморлар ва уларга тегишли маълумотларнинг махфийлигига ҳурмат билан муносабатда бўлиш кўникмаларини; • беморнинг шахсий ҳудудига киришни минималлаштирадиган ҳамширалик амалиёти стандартларига амал қилишни; • бемор, шахслараро ўзаро мулоқот қилиш кўникмаларини; • беморнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўзаро сокин ва ишончли муносабат ўрнатиш усулларини.
<p>Адабиётлар:</p> <p>1. Юнусжонова. З.С. Мирзаева С.А. "Психологик парвариш" Тошкент. 2014 й.</p> <p>2. Шукуров. Ҳ.И. Қаноатов. С.Қ. "Жамоада ҳамширалик иши" Тошкент. 2013 й.</p> <p>3. Зокирова. К.Ў. Тўхтамова. Д.Ў. Мирзаева. С.А "Ҳамширалик иши асослари". 2013 й.</p> <p>4. Толкачева. О.В. Зинковская. И.В. "Основы сестринского дела" Тошкент. 2012 г.</p> <p>Электрон таълим ресурслари</p> <p>http://www.edu.uz</p> <p>http://www.pedagog.uz</p> <p>www.tma.uz,</p>	

1.4. Модуль. Соғлом турмуш асослари, тўғри овқатланиш мезонлари ва жисмоний фаоллик

Ўқув модулига ажратилган кредит:	10 кредит
Ўқув модули мазмуни:	Соғлом турмуш тарзини ташкил этиш асослари. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда мақсадли гуруҳлар билан ишлаш. Атроф муҳит ва экологик омилларнинг саломатликка таъсири, тўғри овқатланиш принциплари, кун тартибини тўғри ташкил этиш, жисмоний фаоллик ва чиниқишнинг саломатликдаги аҳамияти, зарарли одатларнинг организмга таъсири, тиббий кўрикларни ташкил этиш ва аҳолини жалб этиш.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Саломатлик тушунчаси, саломатлик даражаси кўрсаткичларини; • соғлом турмуш тарзини шакллантириш тамойилларини; • саломатликка таъсир этувчи омиллар: ирсий, экологик тиббий ва ҳаёт тарзи ва саломатлик механизмларини билиши, таҳлил қила олишни; • атроф муҳит ва экологик омилларнинг саломатликка таъсирини; • саломатликни мустаҳкамлашга қаратилган стандарт ва алгоритмларни; • тўғри овқатланиш принципларини; • кун тартибини тўғри ташкил этишни; • жисмоний фаоллик ва чиниқишнинг саломатликка таъсирини; • зарарли одатларнинг организмга таъсирини; • тиббий кўрикларни ташкил этиш ва аҳолини жалб этишни; • соғлом турмуш тарзини мақсадли гуруҳлар ўртасида шакллантириш ва тарғиб этишни; • жисмоний фаоллик ва чиниқишнинг саломатликка таъсирини.
Ўқув модули якунида	<ul style="list-style-type: none"> • Аҳолининг турли гуруҳларида (ёшига, меҳнат турига, жинсига қараб) психоэмоционал ҳолатни

<p>ТИНГЛОВЧИ базара олиши ЛОЗИМ:</p>	<p>аниқлашни;</p> <ul style="list-style-type: none"> • соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлашда мақсадли гуруҳларни шакллантириш ва улар ўртасида суҳбатлар олиб боришни; • индивидуал саломатлик ва уни асраш йўлларини; • жисмоний фаоллик, тўғри овқатланиш принциплари, зарарли одатларнинг саломатликка таъсири мавзуларида аҳоли ўртасида тадбирлар ташкил этишни; • мақсадли гуруҳлар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришни; • инсон саломатлигини сақлаш ва тиклашда жисмоний тарбия машқлари комплексини; • жисмоний машқларни ҳар хил ёшдаги соғлом одамларда ва беморларда қўллаш услубларини; • Скандинавия юриш усулларини.
<p>Адабиётлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4887-сонли қарори. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб –қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 4063-сонли қарори. 3. Иргашев.Ш.Б. Формирование здорового образа жизни и санитарно просветительная работа. Журнал ”Организация и управление здравоохранением” № 12.2020 г. 4. Иргашев. Ш.Б. “ОИВ/ОИТС муаммолари ва профилактикаси” Ташкент 2008 г. 5. Национальная программа по борьбе против табака в Республике Узбекистан на 2008 – 2012 гг. Ташкент 2007 г. <p>Электрон таълим ресурслари</p> <p>http://www.edu.uz http://www.pedagog.uz www.tma.uz, www.lex.uz</p>	

2.1.Модуль: Аҳоли саломатлигини ўрганиш ва баҳолаш усуллари. Тиббий статистик тадқиқотларни олиб бориш.

<p>Ўқув модулига ажратилган кредит:</p>	<p>18 кредит</p>
<p>Ўқув модули мазмуни:</p>	<p>Аҳоли саломатлигини ўрганиш ва баҳолаш усуллари.Аҳолининг сони, таркиби, табиий ҳаракати (туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш), жисмоний ривожланиши ва аҳоли орасида турли касалликларни тарқаганлиги ва уларнинг кечиши, ўртача умр кўрсаткичларини аниқлаш.Тиббиёт статистикаси асослари.Тиббиёт муассасаларининг тури, сони, уларда ишловчи ходимларнинг сони, муқим шифохоналардаги ўринлар сони ҳақида маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш.Тиббий статистик тадқиқотларни олиб бориш. оилавий поликлиникаларда ишловчи ўрта тиббий ходимга қатнаганликни ҳисобга олиш варақаси, участка тиббий бригада (патронаж) ҳамшираси (дояси) ни беморларни уйларига қатнаб ишлаганлигини ҳисобга олиш.Статистик кузатишларни ташкил этиш, олинган статистик материалларни гуруҳлаш, жамлаш, ҳисоблаш қоидалари ва статистик таҳлил усуллари. Аёлларда репродуктив саломатлигини аниқлаш. Болалар ва аёллар саломатлигини статистик кўрсаткичлари орқали ўрганиш. Болалар ва оналар муассасалари статистик кўрсаткичлари. Болалар ва оналарга тиббий ёрдам кўсатувчи муассасаларини ҳисобга олиш. Болалиқдан ногиронлик, 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ўртасида ногиронлик кўрсаткичларини ҳисоблаш. Аҳоли ўртасида демографик таҳлилларни юритиш. Аҳоли сони, ёши, таркиби, туғилиш, умумий ўлим, болалар ўлими, оналар ўлими, табиий ўсиш кўрсаткичларининг ҳисоблаш.</p>
<p>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Аҳоли саломатлигини ўрганиш ва баҳолаш усулларини; • тиббиёт статистикаси асосларини; • тиббиёт муассасаларининг тури, сони, уларда ишловчи ходимларнинг сони, муқим шифохоналардаги ўринлар сони ҳақида маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилишнинг аҳамиятини;

	<ul style="list-style-type: none"> • санитария-статистик тадқиқотларни ўтказиш усулларини; • статистик кузатишларни ташкил этиш, олинган статистик материалларни гуруҳлаш, жамлаш, ҳисоблаш қоидалари ва статистик таҳлил усулларини. • болалар ва аёллар саломатлигини статистик кўрсаткичларини; • болалар ва оналарга тиббий ёрдам кўсатувчи муассасаларини ҳисобга олиш ҳужжатларини; • болалар ва оналарга тиббий ёрдам кўрсатиш статистик кўрсаткичларини; • болаларни саломатлик даражасини; • аёлларда репродуктив саломатлигини аниқлашнинг аҳамиятини; • аҳолининг касалланиш кўрсаткичларини; • умумий касалланиш, касалланганлик, бирламчи касалланишларни; • антропометрик кўрсаткичларни; • бирламчи ва иккиламчи ногиронликни; • болаликдан ногиронликни; • аҳоли ўртасида демографик таҳлилларни юритишни аҳамиятини.
<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • аҳоли саломатлигини баҳолашни; • аҳолининг сони, таркиби, табиий ҳаракати (туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш), жисмоний ривожланиши ва аҳоли орасида турли касалликларни тарқаганлиги ва уларнинг кечиши, ўртача умр кўрсаткичларини аниқлашни; • статистик кузатишларни ташкил этишни; • олинган статистик материалларни гуруҳлашни; • олинган статистик материалларни жамлаш, ҳисоблаш қоидалари ва статистик таҳлил усулларини қўллашни. • болалар ва аёллар саломатлигини статистик кўрсаткичлари орқали ўрганишни; • болалар ва оналар муассасалари статистик кўрсаткичларини ҳисоблашни; • болалар касалхонасини ҳисботини тузишни; • аёлларда репродуктив саломатлигини аниқлашни. • болаликдан ногиронлик, 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ўртасида ногиронлик кўрсаткичларини

	<p>ҳисоблашни;</p> <ul style="list-style-type: none"> • аҳоли ўртасида демографик таҳлилларни юритишни.
--	--

2.2.Модуль:Амбулатор поликлиника хизмати ва даволаш профилактика муассасаларининг асосий кўрсаткичлари.

Ўқув модулига ажратилган кредит:	18 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Соғлом аҳоли ва беморларни профилактик ва мақсадли тиббий кўриқдан ўтказиш, диспансер назорати бўйича ишлар ҳажмини кўрсаткичлар орқали ҳисоблаш. Амбулатор поликлиника хизматининг асосий кўрсаткичларини формулалар асосида ҳисоблаш. Профилактик ишларнинг кўрсаткичларини ҳисоблаш. Поликлиникадаги барча врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларини қатновлар сони ва мустақил қабул кўрсаткичлари ҳақида маълумот тўплаш. Амбулатор поликлиника фаолиятини аниқлаш. КТМП,ОП, ОШП нинг оилавий шифокор ва тор мутахассисларининг фаолиятига баҳо бериш. Сурункали ва бирламчи касалликларни аниқлаш. Статистик талоналарни ўз вақтида юритилиш мониторингини олиб бориш. Даволаш профилактика муассасалари фаолиятининг кўрсаткичлари. Даволаш профилактика муассасаларининг тиббий ҳужжатлари ва уларнинг юритилиши. Стационар фаолиятининг кўрсаткичлари, ўринларнинг ўтказиш қобилиятидан фойдаланиш. Ўринлар билан таъминланганлик кўрсаткичларини ҳисоблаш. Даволаш муассасаларининг ўртача ўрин қуввати мониторингини олиб бориш. Стационарлардаги юритиладиган тиббий ҳужжатларни ҳисоблаш. Стационарлар ишини ҳисобга олувчи асосий ҳужжат шакллари юритиш ва ҳисоботлари.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Амбулатор поликлиника хизматини ташкил этишда соғлом аҳоли ва беморларни профилактик ва мақсадли тиббий кўриқдан ўтказишнинг аҳамиятини; • амбулатор поликлиника хизматининг асосий кўрсаткичларини; • профилактик ишларнинг кўрсаткичларини; • поликлиникадаги барча врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларини қатновлар сони ва мустақил қабул кўрсаткичларини;

	<ul style="list-style-type: none"> • амбулатор поликлиника фаолиятини аниқлайдиган кўрсаткичларни; • КТМП, ОП, ОШП нинг оилавий шифокор ва тор мутахассисларини фаолиятига баҳоловчи кўрсатмаларни; • сурункали ва бирламчи касалликларни аниқлашни; • статистик талоналарни ўз вақтида юритилишини мониторингини олиб боришнинг аҳамиятини. • даволаш профилактика муассасалари фаолиятининг кўрсаткичларини; • даволаш профилактика муассасаларининг тиббий хужжатлари ва уларнинг юритилиши тартибини; • стационар фаолиятининг кўрсаткичларини; • даволаш муассасаларининг ўртача ўрин қуввати мониторингини олиб боришнинг аҳамиятини; • стационарлардаги юритиладиган тиббий хужжатларни; • стационарлар ишини ҳисобга олувчи асосий хужжат шакллари юритиш ва ҳисоботларини.
<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • амбулатор поликлиника хизматини ташкил этишда соғлом аҳоли ва беморларни профилактик ва мақсадли тиббий кўрикдан ўтказиш ҳисобот шакилларини тузишни; • диспансер назорати бўйича ишлар хажмини кўрсаткичлар орқали ҳисоблашни; • амбулатор поликлиника хизматининг асосий кўрсаткичларини формулалар асосида ҳисобот тайёрлашни; • поликлиникадаги барча врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларини қатновлар ва мустақил қабул кўрсаткичлари ҳақида ҳисобот тайёрлашни; • сурункали ва бирламчи касалликларни аниқлашни; • статистик талоналарни ўз вақтида юритилишини мониторингини олиб боришни. • даволаш профилактика муассасалари фаолиятининг кўрсаткичларини ҳисоблашни; • даволаш профилактика муассасаларининг тиббий хужжатлари ва уларнинг юритилишини; • стационар фаолиятининг кўрсаткичларини ҳисоблашни; • ўринларнинг ўтказиш қобилятидан фойдаланиш таъминланганлик кўрсаткичларини ҳисоблашни;

	<ul style="list-style-type: none"> • даволаш муассасаларининг ўртача ўрин қуввати мониторингини олиб боришни; • стационарлардаги юритиладиган тиббий ҳужжатларни ҳисоблашни; • стационарлар ишини ҳисобга олувчи асосий ҳужжат шакллари юритиш ва ҳисоботлари тайёрлашни.
--	--

3.1.Модуль:Ахборот технологияларнинг назарий асослари. Компьютер техникаси.

Ўқув модулига ажратилган кредит:	12 кредит
Ўқув модули мазмуни:	Ахборотлар ва уларнинг турлари. Компьютер ва периферик қурилмаларидан фойдаланишда риоя этиш лозим бўлган техника хавфсизлик қоидалари билан танишиш. Замонавий ахборот технологияларининг техник тавсифи ва тузилиши. Қурилмаларни иш ҳолатига тайёрлаш ва уларга дастурий таъминотлар ўрнатиш.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • ахборот ва унинг турларини билиш; • компьютер ва периферик қурилмалар билан ишлашда техника хавфсизлик қоидаларини билиши; • компьютер ва периферик қурилмаларнинг техник таъминоти ; • қурилмаларга дастурий таъминотлар ўрнатилиш қоидаларини; • компьютерларни иш ҳолатига тўғри келтириш кетма-кетлигини билиши;
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • ахборотларни турларига мувофиқ саралашни амалга оширишни; • барча ходимлар учун компьютер ва периферик қурилмалар билан ишлашда техника хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини таъминлаш; • компьютер ва периферик қурилмаларнинг техник таъминотини тўғри қуриш; • қурилмаларга дастурий таъминотлар ўрнатиш; • компьютерларни иш ҳолатига келтириш;

3.2.Модуль: Тиббиёт ходими вазифаларини автоматлаштиришда ахборот технологияларининг ўрни.

Ўқув модулига ажратилган кредит:	42 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Матнли ахборотларни қайта ишлаш технологиясига оид дастурлар ва уларнинг турлари ҳақида билимларни ўзлаштириш. Microsoft Office дастурлари тўпламига кирувчи MS Word, MS Excel, MS Power Point дастурлари билан танишиш. Матнлар ёзиш, қайта ишлаш ва сақлашда MS Word дастурини қўллаш. MS Word дастурида жадвалли ҳужжатлар яратиш. Сонли маълумотларни қайта ишлашда MS Excel дастурини қўллаш. MS Excel дастурида формула ва функциялар. Такдимотлар ятувчи веб-саҳифа ва дастурлар, маълумотлар базаси ва унинг бошқариш тизимлари.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • MS Word дастурида соҳага оид электрон ҳужжат яратиш қайта ишлаш ва сақлаш қоидаларини; • MS Word дастурида жадваллар билан турли амаллар бажариш усулларини; • MS Excel дастурида жадваллар устида бажариладиган дастлабки амаллар; • MS Excel дастурида формулалар билан ишлаш қоидаларини; • MS Excel дастурида функция аргументи ойнаси элементлари вазифаларини; • Маълумотлар устида анализ ва статистика амалларини бажаришни; • Такдимотлар яратишга мўлжалланган дастур ва платформалардан фойдаланишни; • MS Access дастурида маълумотлар базаси яратиш кетма – кетлигини;
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • MS Word дастурида соҳага оид электрон ҳужжат яратиш қайта ишлаш ва сақлашни; • MS Word дастурида жадваллар билан турли амаллар бажаришни; • MS Excel дастурида формулалар билан самарали ишлашни; • MS Excel дастурида функциялар ёрдамида турли вазифаларни бажара олиши; • Маълумотлар устида анализ ва статистика ишларини бажариши;

	<ul style="list-style-type: none"> • Такдимотлар яратишга мўлжалланган дастур ва платформаларда турли семирлар учун такдимотлар яратишни; • MS Acces дастурида маълумотлар базасини тўғри шакллантиришни; • Office дастурлари ёрдамида тайёрланган маълумотларни принтерда чоп этиш
--	--

3.3 Модуль: Интернет ва ахборот технологиялари.

Ўқув модулига ажратилган кредит:	20 кредит
Ўқув модули мазмуни:	Интернет тармоғи ҳақида умумий маълумотлар. Интернетда ахборот қидурув ресурслари, Browser лардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш. Google хизматларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш. Тиббиёт соҳасига алоқадор веб-саҳифа, платформалар ва дастурлар имкониятлари. Ягона идентификацион тизим ва ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали.
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • интернет ва интернет Browser лардан фойдаланиш қоидалари; • интернет қидирув манбаалари ва турлари; • Google ҳисоби ва электрон почта хизматлари; • соғлиқни сақлаш тизимидаги оммабоп веб – саҳифалар; • ижтимоий тармоқларни тўғри юрита олиш; • давлат хизматлари порталнинг имкониятлари; • ахборот тизимларида маълумотларнинг ўз вақтида киритилишинг мониторингини юритиш;
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • компьютерни интернетга боғлаш ва Browser ларни ўрнатиш; • қидирув тизимларида маълумотларни хавфсиз манбаалардан қидириш, сақлаш ва қўчириб олиш; • электрон почта хизматини юритиш; • ижтимоий тармоқларда муссафа фаолиятини ёритиб боровчи ҳисоблар яратиш; • давлат хизматлари порталида тиббиётга оид хизматлардан фойдаланиш; • муассасада фойдаланилаётган ахборот тизимларига маълумотларни ўз вақтида киритиш;
Адабиётлар:	
1. V. Rajaraman. Introduction to information technology (second edition).	

India, 2013.

2. N. V. Makarova. Informatika. Darslik. T.: “Talqin”, 2005 y. 25-30 bb.
3. R.Boqiyev, N.Mirzaxmedova, A.Primkulova. Informatika. O‘quv qo‘llanma. T.: “Tafakkur”, 2016 y. , 8-11 bb.
4. M. M. Арипов, Т. Имомов ва бошқалар «Информатика, ахборот технологиялари» Т. ТДТУ, Ўқув
5. Н. Тайлақов, А. Ахмедов «IBM – РС компьютери» Т.: «Ўзбекистон» – 2017 йил.
6. [1]V. Rajaraman, Introduction to Information technology (second edition), PHI Learning Private Limited, India 2013 y. 3 p.
7. M. M. Арипов, Т. Имомов ва бошқалар «Информатика, ахборот технологиялари» Т. ТДТУ, Ўқув қўлланма, 1-қисм, 2012 йил.
8. А.А.Абдуқодиров, А.Г.Хайитов «Ахборот texnologiyalari», Toshkent “O‘qituvchi ta‘minoti”, Toshkent Mehnat -2000 yil.
9. А.Ахмедов, N.Тайлақов “Informatika”, Toshkent, O‘zbekiston -2002y.
10. А.Sattorov “Informatika va axborot texnologiyalari” Toshkent, O‘qituvchi-2003y
11. Т.Холматов, N. Тайлақов “Amaliy matematika, dasturlash va kompyuterning dasturiy ta‘minoti”
12. Sheraliyev F.A. “Informatika va axborot texnologiyalari” Termiz-2010.
13. Sattorov A. Informatika va axborot texnologiyalari. Akademik litsey va kasb – hunar kollejlari uchun darslik – :“O‘qituvchi”, 2018 y. - 256 b.
14. Aripov M., Begalov B., Begimqulov U., Mamarajabov M., Axborot texnologiyalari. O‘quv qo‘llanma– T.: “Noshir”, 2018-368 b.
15. BoqievR.R, Kayumova N. Axborot texnologiyalarini o‘qitish metodikasi. T. TDPU. 2018 y.

Elektron ta‘lim resurslari

1. <http://www.edu.uz>
2. <http://www.ziyonet.uz>
3. <http://www.pedagog.uz>
4. www.tma.uz,
5. www.lex.uz
6. <https://ru.pinterest.com/vkhamidov/>
7. Учебный курс «Моделирование систем»,
<http://www.intuit.ru/speciality/intuitdpo/modelsys/>
8. Учебный курс «Компьютерное моделирование»,
<http://www.intuit.ru/department/calculate/compmodel/lit.html>

4. ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ

4.1. Ўқув базалари: Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази. Шифокорлар кўчаси 2, 14-уй Даволаш профилактика муассасалари қошидаги ўқув базалари.

Амалиёт базаси: даволаш профилактика муассасалари қошидаги ўқув базалари.

4.2. Машгулотларни ўтказиш учун зарур жихозлар руйхати:

Модул буйича дарс олиб бориш учун назарий, амалий ва семинар дарслар ўтиладиган ўқув аудиториялари. Мултимедиали жамланма: электрон доска, слайдлар тўплами бўлган ppt кўринишли маърузалар, CD дискда кўргазма материаллар, видеофильмлар. Клиник амалий кўникмаларни мустахкамлаш тренинг ўқув хонаси муляж, фантом в.б жихозлар. Мавзулар буйича турли жадваллар, тасвирий кўргазма ва қўлланмалар,

4.3. Тавсия этиладиган адабиётлар:

4.3.1. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг буйруқ ва меъёрий ҳужжатлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Т.Искандаров “Ахоли орасида демографик жараён ва касалланишни ўрганиш усуллари” Тошкент 2019
2. Н.М.Соатов Статистика. Тошкент – 2019
3. Ш.Т.Искандаров “Тиббиёт статистикаси” Тошкент 2018
4. Л.М.Хаитова. С.Ю.Рўзиева Фертил ёшдаги аёлларни хомиладорлик даврида, туғиш жараёнида ва туғруқдан кейинги даврдаги кузатувда акушерларнинг вазифалари. Термиз-2017. Ўқув-услубий қўлланма.
5. А.И.Икромов Д.И.Аҳмедова Баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг тиббий асослари. Тошкент-2018 “Ўзбекистон” нашриёти. Услубий қўлланма.

5. ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ

5.1. Якуний аттестацияга қўйиладиган талаблар

Якуний аттестация ЎзР ССВнинг 2020 йил 15 июндаги 160-сонли буйруғи 3-иловасидаги «Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасаларида тингловчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолаш тўғрисидаги Низом» га асосан ўтказилади.